Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 23 (5614).
28 ЯНВАРЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

САЙЛОВОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

Пойтахтнинг кенжа — Акмал Икромов районида қурилиш ишлари кенг қўламда олиб бориляпти. Чунончи, Зиё Саид кўчасида яна бир 130 ўринли туғруқхона қурилмоқда. Бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом этяпти. Объектни 12-трестнинг 65-қурилиш бошқармаси қурувчилари бунёд этмоқдалар.

Янги туғруқхона қурилишида Н. Врубель бошчилигидаги монтажчилар, А. Халилов етакчилигидаги ғишт терувчилар бригадалари яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Биз бу объектда ҳаммаси бўлиб 1 миллион 360 минг сўмлик иш бажаришимиз керак, — дейди прораб Асқар Содиқов. — Ҳозирча 900 минг сўмлик иш бажардик. Ҳамма иш график асосида олиб бориляпти. Сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор беряпмиз.

«Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига—40 зарбдор меҳнат ҳафтаси», «Партия XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз!» каби шиорлар остида ишлаётган қурувчилар айни кунларда социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Улар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумли меҳнат қилиб, янги туғруқхона қурилишини Ғалабанинг 40 йиллигига фойдаланишга топширишга ахд қилишган.

М. АКРОМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

26 январда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди, унда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва республика Давлат бюджетининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди.

Министрлар Совети шуни уқтириб ўтдики, республиканинг меҳнат коллективлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини турмушга татбиқ этиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни тобора ривожлантиришни, унинг самарадорлигини оширишни, шу асосда халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини ўстиришни таъминладилар. Пландан ташқари 106 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Инрик ишлаб чиқариш қувватлари, социал-маиший объектлар ишга туширилди, аҳолининг реал даромадлари кўпайди.

Шу билан бирга мажлисда кўпгина министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети халқ хўжалигининг айрим тармоқларини ривожлантиришдаги қолоқликни бартараф этишда ва катта камчиликларни тугатишда лозим даражада қатъият ва изчиллик кўрсатмаганликлари таъкидлаб ўтилди. Бир қанча тармоқлардаги кўпгина корхона ва ташкилотлар энг муҳим план топшириқларини бажармадилар. Асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари, уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш планининг бажарилиши таъминланмади. Пахта, дон ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа турдаги бир қанча маҳсулотларини етиштириш, харид қилишда анчагина қолоқликка йўл қўйилди. Кўпгина корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи оғирлигича қолмоқда. Чакана товар обороти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планлари бажарилмади. Давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бузиш фактларини тугатишда ҳали ҳам сусткашлик қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети зиммасига КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль, апрель, октябрь Пленумларининг қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг кўрсатмаларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорига амал қилиб, хўжалик фаолиятидаги мавжуд камчиликларни тезроқ тугатиш, барча корхоналар ва ташкилотлар планларнинг бажарилишини таъминлашлари учун мавжуд ҳамма резерв ва имкониятларни сафарбар этиш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжаликни оқилона бошқариш, моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни тежаш соҳасида изчиллик ва сабот билан ишлаш, интизом ва тартибни ҳар томонлама мустаҳкамлаш биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатларини янада ошириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жадаллаштириш, маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажариш, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, кўкламга намунали тайёргарлик кўриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда қабул қилинган қарорда давлат органлари, меҳнат коллективларининг бутун кучини беш йиллиқнинг тугалловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажаришни таъминлашга, КПСС XXVII съездини ва Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилиши учун зарур тадбирлар ҳам белгиланди.

Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ў. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ИШ САВИЯСИ ОШИРИЛСИН

Ўзбекистоннинг пойтахт области меҳнат коллективларида беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа тобора кенгайиб бормоқда. 26 январда бўлиб ўтган Тошкент область союзлараро ҳисоботсайлов касаба союз конференциясида шу ҳақда гапирилди.

Делегатлар қилинган ишни таҳлил этиб, бу ишда маълум силжишлар бўлишига қарамай, ҳали партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талабларига, ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари ва тавсияларига тўла-тўкис мувофиқ эмаслигини уқтирдилар. Касаба союз ташкилотлари ҳар бир меҳнат коллективида социалистик мусобақанинг форма ва методлари такомиллаштирилиши, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, мавжуд резервлардан ҳар томонлама фойдаланиш учун, энг яхши шарт-шароитлар яратилиши учун унчалик ғайрат билан ҳаракат қилмаяптилар. Илғор касаба союз ташкилотларининг меҳнатга коммунистик муносабат, коллектив пудратни жорий этиш ҳаракатини ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси ҳали кенг оммалаштирилаётгани йўқ. Ҳар бир ишлаб чиқариш ходимини ишга омилкорлик билан қараш руҳида тарбиялаш, ҳар бир меҳнат коллективида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида айтилганидек, юксак талабчанлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш учун ҳамма иш ҳам қилинди, деб бўлмайди.

Касаба союз комитетларининг ишида, айниқса социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши устидан контроллик қилишда расмиятчилик тўла-тўкис тугатилмаганлигини делегатлар уқтириб ўтишди. Уларнинг кўплари юксак меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати учун, материаллардан, ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш учун касаба союз группаларининг ролини ошириш ҳақида дуруст ғамхўрлик қилмаяптилар. Меҳнат шароитларини яхшилаш ва уни муҳофаза қилишга, турмуш ва дам олишни, социал страхование ва соғлиқни сақлашни ташкил этишга ҳануз етарли эътибор берилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Конференция қатнашчилари касаба союз ташкилотларини янада активлаштириш, меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунда уларга бериб қўйилган катта имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш юзасидан конкрет тадбирларни белгиладилар. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларини янада зўр ғайрат ва сабот билан амалга ошириш, қишлоқ меҳнатчиларининг дала ва ферма маҳсулоти етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш, деҳқончилик маданиятини ошириш йўлидаги социалистик мусобақасини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Узсовпроф раиси Н. М. Маҳмудова, ВЦСПСнинг масъул ходими Е. К. Плаксин қатнашдилар.

* * *

Наманган ва Навоий союзлараро область касаба союз конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Уларда касаба союзларининг беш йиллик социал-иқтисодий программасини рўёбга чиқаришдаги ролини ошириш, меҳнаткашларни актив гражданлик позициясида туриш руҳида тарбиялаш, социалистик мусобақани янада авж олдириш масалалари кўриб чиқилди. Намангандаги конференцияда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров, Навоийда — Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

СУРАТЛАРДА: Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан сайланган конференция делегатларидан бир группаси; конференциянинг мажлислар залида.

Т. Каримов фотолари.

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Халқ ишончи

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Округ сайлов комиссиялари қуйидагиларни Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олдилар: Тошкентдаги «Матбуот» ишлаб чиқариш полиграфия бирлашмасининг ҳарф терувчиси **Ольга Викторовна Егорова**, Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри **Салим Пўлатов**, «Отделстрой» Тошкент трести бўёқчилар бригадири **Петр Иванович Савчук**, Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари **Санобар Аҳроловна Ҳўжаева**, «Ташсельмаш» заводи директори **Ҳамидулла Ҳабибуллаевич Ғуломов**, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Мираҳмат Мирҳожиевич Мирқосимов**, Ангрендаги «Резинотехника» заводининг ишчиси **Наталья Владимировна Ницель**, Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари **Юсуп Толипов**, Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхоз бош агрономи **Дадақўзи Каримов**, Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг сут соғувчиси **Мактуба Еқубовна Салимова**, Тошкент область Партия XXIV съезди номли совхоз сут соғувчиси **Бубихон Мусировна Норқулова**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Собитхон Қурбонов**, СССР Давлат банки Ўзбекистон республика конторасининг бошқарувчиси **Шербой Еқубов**. (ЎзТАГ).

Олий ўқув юртларида

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияни институт ректори, профессор Ж. Бўронов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг институт проректори, доцент В. Ф. Тельцов «1984 йилги илмий-тадқиқот ишларининг якуни ва 1985 йилдаги вазифалар», профессор Т. Жўраев «Ўзбекистон Компартияси Улуғ Ватан уруши йилларида», доцент Н. Авазбеков «Турли типдаги тилларда бир бўғинли сўзларнинг фонотактик хусусиятлари», педагогика кафедрасининг мудири, доцент И. Тожиев «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари асосида студент-ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш» мавзуларида доклад қилдилар.

Секцияларда роман ва герман тилшунослигидаги ҳамда рус ва ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослигида г и актуал масалаларга бағишланган 200 га яқин доклад тингланди ва муҳокама этилди.

С. РИЗАЕВ.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Ўзбекистон пойтахтида халқ депутатлари шаҳар, район ва посёлка Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда. Қуйидагилар депутатликка номзод этиб кўрсатилдилар: миллий чолғу асбоблари экспериментал фабрикасининг пардозловчиси **Норбиби Фатхуллаева**, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг қандолатчиси **Шоира Обиджонова**, «Главташкентстрой» 4-қурилиш трестининг токари **Виктор Павлович Гончаренко**, республика модалар уйининг тикувчи-мотористкаси **Наргиз Абдуҳакимовна Турғунова**, бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси **Маъмура Шонеъматовна Шораҳимова**, «Жилстрой» трести монтаж бошқармасининг сувоқчиси **Татьяна Тагировна Шохина**, упа-элик фабрикасининг ишчиси **Насиба Ҳусановна Сардиева**, Тошкент товар станциясининг қабул қилувчи-тарқату в ч иси **Аҳмад Шерматов**, «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмасининг радиомеханиги **Евгений Владимирович Кутумов**, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористк а с и **Лазокат Носирова**, 6-таксопарк ҳайдовчиси **Рамузидин Пахрадинов**, Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси **Фотима Зиёдиллаевна Каримова**.

ЖОНАЖОН ЎЛКА БЎЁҚЛАРИ

Иван Иванович Енининг полотнолари билан танишган киши республикамиз бўйлаб, Қирғизистон, Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб саёҳат қилгандек сезади ўзини. Ўзбекистон Архитекторлар союзи залида тошкентлик рассом акварель асарларининг кўргазмаси очилди.

Рассом асарларида қадимий Хиванинг қуёш нуридан ярқираб турган пейзажлари, Оқтош ва Чимённинг жўшқин тоғ жилғалари, зилол сувли Иссиқкўл, гўзал тайга ўрмонлари акс эттирилган. Бу ерда меҳнат аҳлининг портретлари ҳам бўлиб, улар орасида «Бригадир Турсунов», «Чўпон», «Колхозчи Аҳмедов» асарлари бор.

Рассомнинг бу галги кўргазмасида 70 тадан кўпроқ акварель асари намойиш қилинмоқда. Уларнинг ҳар бирида жонажон ўлканинг ажойиб бўёқлари, ўлка меҳнаткашларининг образлари акс эттирилган.

(ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ўзбексельмаш» заводи коллективи Ҳиндистон пахтакорларининг буюртмасини адо этди. Бу мамлакатга кўрак чувийдиган машиналар юборилди. Бундан ташқари 12 пахта сеялкаси ҳам тайёрлаб берилди.

●

Киров районидаги Юнусобод массивида яна бир янги замонавий микрорайон қурилишига киришилди. Унда биринчи навбатда 70 минг квадрат метр атрофида қулай уй-жой бинолари фойдаланишга топширилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 1 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 0—2 даража совуқ, эртага кундузи 8—10 даража иссиқ бўлади.

● Шарҳчи сатрлари

ИККИ ДУНЁ—ИККИ ХИЛ ЁРДАМ

Кейинги ойларда йирик буржуа газеталари Африкада узоқ вақт давом этган қурғоқчилик натижасида вужудга келган жиддий аҳвол ва озиқ-овқат етишмаётганл и г и н и атайлаб катта шов-шув билан кўрсатмоқдалар. «50 миллион африкалик очликдан ўлиш хавфи остида қолди», — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси. Францияда чиқадиган «Орор» газетасининг фикрига қараганда, 1985 йил 24 давлат ёрдам сўраб турган бу қора қитъага ҳеч қандай енгиллик келтирмайди». Шу газеталарда босилаётган хабарларга қараганда, гўё фақат империалистик давлатларгина уларга ёрдам кўрсатишга ошиқаётган эмишлар.

Африкада бу борада бошқача фикр билдирилмоқда. Масалан, Замбияда чиқадиган «Гардиан» газетаси АҚШ қитъадаги ривожланаётган мамлакатларга озиқ-овқатнинг капиталистик давлатлар бозорларида ўтмаётган турларини етказиб бераётганлигига эътиборни жалб этди. Танзанияда чиқадиган «Стандарт» газетаси эса Ғарб қурғоқчиликдан зарар кўрган Африкадаги мамлакатларга кўрсатаётган молиявий «ёрдам»нинг асосий қисми «ватанида иш тополмай, тропик мамлакатларга йўл олган ўз мутахассисларига иш ҳақи тўлашга тўғри келмоқда», деб ёзади.

Бироқ, империалистлар ҳатто ана шундай «ўз-ўзига ёрдам»дан ҳам иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган ёш давлатларга тазйиқ ўтказиш, уларнинг ички ишларига аралашишни кенгайтириш учун фойдаланмоқдалар. Ғарб қурғоқчиликдан айниқса катта зарар кўрган мамлакат — Эфиопияга нисбатан худди шундай йўл тутмоқда. Эфиопияда табиий офат қурбонлари ҳозир 6 миллион кишидан ҳам ошиб кетди. Озиқ-овқат етказиб беришни сиёсий шартлар билан очиқдан-очиқ боғлаётган Вашингтон Эфиопия раҳбарлари томонидан бир неча марта кескин танқид қилинди. Яқинда Аддис-Абебада Эфиопия халқи бошдан кечираётган қийинчиликлардан унинг ички ишларига сурбетлик билан аралашиш учун фойдаланаётган Исроилнинг ёрдамидан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги эълон этилди.

«Империалистик давлатлар сиёсий найрангларни ишга солаётган бундай шароитда Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг позицияси беғараз интернационал характерга эга эканлиги айниқса яққол намоён бўлмоқда, — деб ёзади Эфиопияда чиқадиган «Аддис земен» газетаси. — Қурғоқчилик оқибатларини тугатиш учун курашда икки асосий йўналиш бор, — у ҳам бўлса фалокат юз берган районлардаги аҳолига озиқ-овқат етказиб бериш ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатишдан иборатдир. Ана шу иккала ҳолда ҳам Совет Иттифоқи бизга ёрдам қўлини чўзди.

С. КУЛИК.
ТАСС шарҳчиси.

Ғоявий-тарбиявий ишнинг вазифалари, албатта, илмий идеологияни кенг ёйишдан, уни оммавий тарзда чуқур ўрганишни ташкил этишдангина иборат эмас. Бу иш—сиёсатимизнинг актуал масалалари юзасидан оммани оператив тарзда, мунтазам равишда, ҳар томонлама ва ишонарли тарзда хабардор қилиб туришнинг таъсирчан воситасидир. Айтиш мумкинки, бу мураккаб, нотинч, муттасил ўзгариб турувчи дунёга очилган кенг деразадир.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ: ТАЖРИБА, МУАММО, ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумидан кейин идеология ишида катта сифат ўзгаришлари рўй берди. Бироқ, бу ишнинг бошланиши, дастлабки қадамлар, холос. Пропагандамиз мазмуни, оперативлиги, унинг форма ва методлари, унинг моддий-техника базаси совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига жавоб бериши, ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифаларига, душман идеологиясига қарши, ҳужумкор кураш олиб бориш вазифаларига жавоб бериши учун ҳали кўп иш қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида кўрсатиб ўтганидек, КПСС Марказий Комитети ишнинг бу участкасини доимо ўз диққат-марказида тутади ва барча партия комитетлари, ҳар бир коммунистнинг унга асосий эътиборни қаратишларини талаб этади.

Газетада илгари хабар қилинганидек, Тошкент шаҳар партия комитетида «Идеология ишига партиявий раҳбарлик: тажриба, муаммо, ўзига хос хусусиятлар» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди. Қуйида эълон қилинаётган материалларда идеологик ва оммавий-сиёсий ишларнинг муҳим масалалари, конференцияда қабул қилинган тавсиялар ҳақида сўз боради.

СУРАТДА: конференция қатнашчилари.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

У. У. УМАРОВ,
Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Мамлакатимиз 1985 йилга — ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилига комил ишонч билан қадам қўйди. 1984 йил ва беш йилликнинг тўрт йилига якун ясаб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, совет халқи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, жамиятни иқтисодий ва социал ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Умумий ишга республикамиз ва унинг пойтахти — Тошкент шаҳри меҳнаткашлари муайян ҳисса қўшдилар.

Халқимиз ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашда эришган ютуқларни биз Ленин партияси билан узвий боғлаймиз.

Ўртоқ К. У. Черненко «Коммунист» журналининг 18-сонида босилган «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида шундай ёзади: «У жамиятдаги ўз раҳбарлик мавқеини илмий социализм идеаллари учун, ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар манфаатлари учун фидокорона курашда қўлга киритди. Шунинг учун ҳам халқнинг ўзи уни жамиятнинг авангард кучи деб тан олди».

Партиянинг жамиятдаги бундай мавқеи экономикани, социал муносабатларни, демократия ва маданиятни, оммани ташкил этиш ва тарбиялашга раҳбарликнинг услуб ва методларини тинмай такомиллаштиришни талаб этади.

Шаҳар партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитетининг раҳбарлигида КПСС XXVI съездининг талабларидан бири бўлган идеология ишининг кўпгина участкалари ва соҳаларини қайта қуриш бўйича ишлай бошлаганига яқинда тўрт йил бўлади.

Бу ишни амалга оширишда КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми муҳим воқеа бўлди. Унда идеологик жараёнларни бошқариш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Идеологик жараёнларга партиявий раҳбарликни такомиллаштирганда, биз табиийки, шундан келиб чиқдики, ҳозирги шароитда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш бевосита амалий вазифа бўлиб қолди. Бу вазифа ҳамиша муҳим бўлган, лекин ҳозир бунинг учун ҳар вақтдагидан қулай шарт-шароитлар яратилган.

Шаҳарда экономика ривожланмоқда, кишиларнинг фаровонлиги ўсмоқда, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари яхшиланмоқда. Халқ хўжалигининг шундай тармоқлари яратилган ва яратиляпти-ки, уларда меҳнат чинакамига шон-шараф ва қаҳрамонлик ишидир. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, трактор заводи ва 2-автокомбинат, В. И. Ленин номли электрон-техника заводи ва «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси ва 11-«Висотстрой» трести, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тепловоз депоси, темир-бетон кўприк конструкциялари заводи ва Октябрь районидаги 14-поликлиника меҳнаткашлари ва бошқа кўпгина коллективларнинг меҳнаткашлари ишга фахр билан борадилар. Бу ерларда унумли меҳнат учун шароит яратилган, ҳар бир ишчи тўғрисида қайғурилади.

Ижтимоий муносабатлар янада такомиллашиб борянти, шаҳарликларнинг онги, билими, умумий маданияти ва маънавий эҳтиёжларининг юксак даражасига эришилди. Биз ўқув юртлари ва маданий-оқартув муассасаларининг кенг тармоғига эгамиз, бизда 60 мингдан ортиқ идеология ходимлари ва агитаторпропагандистлар бор.

Идеология иши бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши эканлиги ҳақидаги талабни ҳисобга олиб, бу сафлар анча тўлдирилди. Меҳнаткашларни коммунистик тарбиялаш жараёнини бошқариш бўйича ишларнинг барча форма ва методларидан тўла ва самарали фойдаланишни объектив талаб этувчи асосий шарт-шароитлар мана шулардир.

Сўнгги йилларда биз нималарни амалга оширдик?

Биз идеологик жараён амалга ошириладиган объектив ва субъектив шароитларни анча батафсилроқ таҳлил қиладиган, меҳнаткашларнинг турли группаларининг қизиқиши ва эҳтиёжларини ҳисобга оладиган бўлдик.

Ленин, Фрунзе, Ҳамза ва Киров районлари партия комитетларида, бир қатор бошланғич партия ташкилотларида идеология жараёнига раҳбарликда социологик тадқиқотлар ва самарадорликни баҳолашнинг бошқа механизмларидан кенг фойдаланила бошланди. Улар қўлланилаётган тарбиявий воситалар самарадорлигини илмий асосда таҳлил қилиш ва шу асосда идеология иши форма ва методларини тинмай такомиллаштириш имконини беради.

Мана шу ва бошқа чоралар идеология ишига раҳбарликни анча такомиллаштиришга ёрдам берди.

Хўжалик ва тарбиявий вазифаларни ҳал этишга комплекс ёндошиш авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотига беш йилликдан беш йилликка барча кўрсаткичларни муваффақиятли уддалаш, ишчи ва хизматчилар миқдори ўсишини камайтирган ҳолда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ошириш, барча маҳсулотни Сифат белгиси билан тошириш, бракни камайтириш, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини ривожлантириш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш имконини берянти. Бу партия ташкилотида баъзи бир тадбирларнигина амалга ошириш билан чекланмай, аниқ шароитни ҳисобга олган ҳолда масъул шахслар ва ижрочиларни, меҳнаткашларнинг турли группаларининг ўзига хос томонларини белгилаб, узоқ вақт изчил ишлаш системаси йўлидан боришянти.

Бундай иш шаҳарнинг кўпгина партия ташкилотлари учун характерлидир.

Афсуски, амалда ишлаб чиқариш коллективларидаги партия ташкилотлари идеология ишининг мазмуни тўғрисида чекланган тасаввурларга тез-тез дуч келамиз.

Шаҳар комитетида ўз вақтида «Узбекхлопкомаш» заводи партия ташкилотининг идеология ва хўжалик ишининг бирлигини таъминлаш бўйича ишлари масаласини қараб чиқилганди. Партия комитети ва хўжалик раҳбарларига идеология иши, ишлаб чиқариш практикаси ва коллективнинг социал ҳаёти ўртасида боғлиқлик йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Заводда ғоявий-тарбиявий ишда анчагина нуқсонлар мавжуд бўлишига қарамай, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ва меҳнат шароитини яхшилашга, ишчиларни шинам турар жойлар билан таъминлашга эътибор берилмаган, ҳозир ҳам кам эътибор берилянти. Бундай аҳвол кўпгина ремонт заводларига, маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалик корхоналарига, экскаватор заводи, бир қатор қурилиш трестлари, савдо ва аҳолига медицина хизмати кўрсатиш муассасаларига, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва шаҳарнинг бошқа ташкилотларига хосдир.

Тажриба ва амалиёт шундан гувоҳлик беряптики, идеология ишига раҳбарлик, ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ҳал этиш билан бирга қўшиб олиб борилсагина ижобий натижалар беради. Жумладан, 243-Граждан авиацияси ремонти заводида корхонани техник жиҳатдан жиҳозлашга, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўп эътибор берилади, идеология иши, бир қатор социал масалаларни ҳал этиш яқин вақтларгача ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилганди. Бироқ, «Узбекхлопкомаш» заводидан фарқли равишда, бу ерда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш учун қаттиқ киришилди. Завод раҳбарлари Сергели район партия комитети билан биргаликда ишнинг аҳволини яхшилаш учун кўп ҳаракат қилдилар.

Бундай мисоллар талайгина. У шуни билдиradики, идеология ишига илмий асосланган, изчил ва аниқ раҳбарлик, шак-шубҳасиз, оммaнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ўстиради ва меҳнатнинг пировард натижаларига ижобий таъсир кўрсатади. Биз партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми талабларини амалга ошира бориб, идеология иши бир қатор участкаларини ва соҳаларини қайта қуришга раҳбарликни бир мунча яхшилашга муваффақ бўлдик. Лекин бу борада ҳали камчиликлар бор.

Биз илмий-атеистик пропагандага бўш раҳбарлик қиляпмиз. Ишларни меҳнатга тарбиялашга етарли эътибор бермаяпмиз. Ишчи касбларини, оила тарбияси, ахлоқ ва одоб масалаларини пропаганда қилиш ҳақида етарлича қайғурмаяпмиз.

Идеология ишига раҳбарликда жамоат фикрини ўрганиш, жамоат социологик институтлари ва лабораториялари, идеологик комиссиялар каби синалган форма ва методлардан дуруст фойдаланмаяпмиз.

Идеология соҳасида биз биринчи навбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига амал қилишимиз керак.

Ўн биринчи беш йиллик тугашига бир йилдан камроқ вақт қолди. Партия бизни уни зарбдорона меҳнат билан нишонлашга даъват этяпти. 1985 йилнинг ҳар бир меҳнат кунини Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдорона меҳнат кунига айлантириш тошкентликларнинг шон-шараф ва ватанпарварлик бурчидир.



СУРАТДА: мажлислар залида.

ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

А. В. ГОНЧАРОВА,
Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

Партия XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида идеология кадрларининг совет жамияти ҳаётидаги ролига юқори баҳо берилди, партиянинг ғояларини оммага сингдираётган, унинг сиёсатини тушунтираётган коммунистлар ва партиясизларнинг катта армиясига миннатдорчилик сўзлари изҳор этилди. Бу баҳо пропагандист ва агитаторлар тўғрисидаги, энг аввало уларни танлаш ва жой-жойига тўғри қўйиш тўғрисидаги ғамхўрликнинг ленинча анъаналарига ҳамоҳангдир.

Кадрларнинг ғоявий-сиёсий, ахлоқий, ишчанлик фазилатларига, уларнинг билимига, маданиятига, иш юритиш системасига партиявий талаблар уларни танлашнинг асосини ташкил этади.

Ҳозир шаҳар партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида ва аҳоли турар жойларидаги ғоявий-тарбиявий иш билан партия ўқуви ва комсомол сиёсий маорифи системаларининг 6755 пропагандисти, иқтисодий таълим мактаби ва семинарларининг 6843 раҳбари, партия комитетларининг 3 мингдан зиёд докладчи ва лекторлари, 11,5 минг сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчи шуғулланмоқда.

Идеология ишига жалб этилган барча кадрларда одатдагидек етарлича назарий ва методик тайёргарлик ҳам бор. Агар шаҳарда салкам 160 минг олий мутахассис, 900 дан зиёд фан доктори, профессор, 10 мингга яқин фан кандидати, доцент меҳнат қилаётганини назарда тутсак, бу категориядан маълумотли ходимни танлаб олиш мураккаб эмас. Зотан, уларнинг жуда кўпчилиги муайян методик тайёргарликка эгадир. Чунки шаҳар олий ўқув юртларида мана ўн йилдан ошдики, студентлар учун идеология ишининг турли йўналишлари бўйича ижтимоий касб факультетлари ташкил этилмоқда. Шу нарса жуда табиийки, партия ўқувининг пропагандистларидан 98 проценти, иқтисодий таълим пропагандистларининг 85 проценти олий маълумотга эгадир. Докладчи ва лекторлар, партия комитетларининг штатдаги идеология ходимлари сингари категорияда эса барча олий маълумотга эга. Уларнинг кўплари партиявий-сиёсий маълумотга эгадир.

Бироқ, кадрлар танлаш иши муҳим бўлса ҳам, у ишнинг фақат биринчи босқичи холос. Партия ташкилотлари учун энг асосийси шундан иборатки, идеология кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини ташкил этиш, уларни методик ва профессионал маҳоратга ўргатишдир.

Тажрибали пропагандист, лектор бўлиш учун вақт керак. Бунинг учун эса В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, изчил ўқиш, ўрганиш ва тажриба тўплаш, бундай кишиларни ихтисослаштириш, улар билан тўла шуғулланиш ва уларни эҳтиёт қилиш керак.

Бу ленинча кўрсатмаларни, партия талабларини бажариш учун шаҳар партия ташкилотида кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш системаси ташкил этилган. Бу системада марксизм-ленинизм университети олий звено ҳисобланади.

Бироқ, идеология кадрларини тайёрлашнинг ўчоғи бўлган марксизм-ленинизм университетидан биз ҳали етарлича фойдаланмаяпмиз. Шу нарса тасодифий эмаски, кўпчилик партия ташкилотларида пропагандистлар ораси-да ҳали марксизм-ленинизм, университетни битириб чиққанлар сони оз. Университетга тингловчилар қабул қилишга муносабатни ва уни битириб чиққанлардан идеология ишининг конкрет участкаларида фойдаланишни қайта кўриб чиқиш лозим.

Партия ташкилотлари секретарининг идеология ишлари бўйича ўринбосари, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотларининг раислари, синфдан ташқари иш олиб бориш бўйича мактаб директорларининг ўринбосарлари ва мактабгача тарбия болалар муассасалари раҳбарларининг ўқуви ҳамиша ҳам етарлича савияда ўтяпти, деб бўлмайди. Бир қатор район партия комитетларида эса идеология ходимларининг бу категорияси умуман ўқимаётир. Маҳалла комитетларининг активлари, ўқитувчилар, турар-жойлар бўйича советлар, комиссияларнинг раҳбарлари ва тарбиявий жараёнда қатнашишга даъват этилган бошқа кўпгина кишилар учун мактаб ва курслар, доимий ишловчи семинарлар ташкил этиш тўғрисидаги масала аллақачон пишиб етилган.

Биз кишиларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатишнинг қудратли кучига эгамиз. Идеология фронтининг ўн минглаб жангчилари бор. Бу кучдан биз шу чоғдагина тўла фойдалана оламизки, идеология кадрларимизни хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал этиш борасида уларни ишлашга, ўқишга, ахборотга эга бўлишга ўргатиб, сафарбар этишимиз зарур.

МАСЪУЛИЯТ ВА ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Конференцияда Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Ю. А. Асепков** сўзга чиқди. У идеологик ишларнинг самарадорлиги ва сифатига баҳо беришга ёндошишнинг тажрибалари ва проблемалари ҳақида тўхталди.

Илмий-техника революциясини коммунистик тарбия билан узвий кўшиб олиб бориш, яъни бугунги куннинг асосий талабини ҳал этишда, деб таъкидлади нотиқ, район партия комитети, партия комитетлари марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ва ташаббускорликка, кам сарф қилиб, юксак натижаларга эришишга олиб борадиган йўлларни муттасил излашга қаратилган социалистик типдаги актив иқтисодий тафаккурни шакллантиришга жиддий эътибор бермоқдалар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари, аҳоли турли группаларининг социал эҳтиёжларини ўрганишга, уларнинг, у ёки бу кўринишларга муносабатини ўрганишга катта эътибор бермоқдалар. Бунда жамоатчилик фикрини ўрганишнинг форма ва методлари муттасил такомиллашяпти, социологик тадқиқотлардан кенг фойдаланилянти.

Катта миқёсдаги социологик тадқиқотларни ўтказиш бу ишнинг оператив формаларини истисно этмайди, албатта. Масалан, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида партия ташкилотининг асосий кучғайрати прогулларга қарши қаратилган.

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **А. И. Фозилбеков** КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида ғоявий-тарбиявий ишларнинг восита, форма ва методларини янада такомиллаштиришнинг тажриба ва йўллари тўғрисида гапириб, раҳбар кадрларнинг идеология ишидаги иштирокига алоҳида тўхталиб ўтди. Ягона сиёсий кунларни ўтказиш чоғида раҳбарлар билан меҳнаткашлар ўртасида жонли мулоқот бўлмоқда. Бу учрашувлар жуда самимий ўтмоқда.

Район партия ташкилотлари ўз ишларида меҳнаткашларнинг амалий таклиф ва танқидий мулоҳазаларига ҳамиша эътибор билан қараб, уларни ҳисобга олмоқдалар, кишиларнинг хат, шикоят, илтимосларини синчиклаб кўриб чиқмоқдалар. Очиқ хатлар кунлари ўтказиш жамоатчилик фикрини таҳлил этишнинг самарали формасидир. Ўтган йили Беруний номли, «Пахта», «Правда» маҳаллаларида, чинни, агрегат заводларининг меҳнат коллективларида ана шундай кунлар ўтказилди.

Меҳнат, маданият, спорт ва турмуш эстафетасини ўтказиш районда идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштиришнинг формаларидан биридир.

Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари **А. Е. Викторов** ўз сўзини ёшларни партия ва халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга бағишлади. Ветеранлар совети студент ёшлар билан актив иш олиб бораётган Тошкент политехника институтининг ёшлар билан иш олиб бориш тажрибаси диққатга сазовордир.

Нотиқ «Билимлар уйи» ишига эътиборни қаратди. Бу ерда аҳоли учун қулай бўлган вақтларда ҳужжатли фильмлар намойиш қилишга ҳамиша ҳам эътибор берилавермайди. Ҳолбуки, бу картиналар катта идеологик таъсир кучига эга.

Шаҳар районлари ва корхоналарини кўргазмали агитация билан бадиий-сиёсий безатиш меҳнаткашларнинг меҳнат, социал активлигини оширишда катта роль ўйнайди. Фрунзе район партия комитетининг секретари **Т. И. Искандаров** конференция қатнашчиларининг эътиборини ана шу масалаларга қаратди.

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари **В. А. Андронов** кенг миқёсдаги иқтисодий эксперимент ва меҳнатнинг бригада усули шароитларида ғоявий-тарбиявий ишларнинг баъзи хусусиятлари ҳақида сўзлади.

11-«Висотстрой» трести партия комитети секретарининг ўринбосари **Н. П. Николаева** ўз сўзида идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш бўйича вазифаларни бажаришда бошланғич партия ташкилотларининг ҳал қилувчи ролига тўхталди. Ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш жойларда бу ишни қандай олиб боришга боғлиқдир.

Трест бўйича идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда бригадаларда ташкил этилган партия группалари ва ёшлик объектларда ташкил этилган вақтинчалик партия группалари катта роль ўйнамоқда.

Илмий-амалий конференция қатнашчиларининг муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилдилар.

Шаҳар илмий-амалий конференцияси тавсияларидан

▲ Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этишда юксак илмий савияни таъминлаш, пропаганда ва агитациянинг ишчанлиги ва конкретлилигини, унинг ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан алоқасини кучайтириш, унинг ҳужумкорлик характерини ривожлантириш зарур.

▲ Информацион-таҳлил этиш системаси муваффақиятли иш олиб бораётган Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг тажрибаси бўйича идеология ишининг самарадорлигини оширишга, тарбиявий иш билан машғул бўлган кадрларнинг куч-ғайратини бирлаштиришга ёрдам берувчи координация марказларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш лозим.

▲ Идеология комиссиялари, идеология масалалари бўйича хўжалик раҳбарларининг кенгашлари, методик консультация ва ахборот пунктлари сингари тарбиявий ишларни ташкил этиш ва координация қилишнинг таъсирчан формаларини янада дадилроқ жорий этиш керак.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, шаҳардаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва социологик тадқиқотлар бўйича секциялар, лабораториялар, жамоатчилик институти ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарур.

▲Тажриба ва практика идеология ишини планлаштиришни анча яхшилашни, уни қатъий илмий асосда олиб боришни, катта куч ва харажатни талаб этадиган оммавий тадбирлар ўтказишга берилиб кетмасликни талаб этмоқда.

▲Идеология жараёнларига раҳбарлик қилишда учёт ва контролнинг мавжуд анъанавий формалари билан бир қаторда қуйидагиларни ҳам жорий этиш зарур: масъул лавозимдаги шахсларнинг ўз ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини меҳнаткашларнинг йиғилишларида тинглаш, ахборотлар алмашиш, меҳнаткашларнинг таклиф ва аризаларини ўрганиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

▲Марксизм-ленинизм университети, мактаблар, курслар ва доимий ишловчи семинар, шаҳар идеология ходимлари университетининг идеология ишидаги ролини янада юқори кўтариш лозим. Бунда шаҳар олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг, «Билимлар уйи»нинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш керак.

▲Идеология жараёнларига раҳбарлик қилишда социал-психологик ахборотнинг тобора ўсиб бораётган ролига алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Бу бошқарув юзасидан қарорларнинг самарадорлигини оширишга, сиёсий-тарбиявий ишларни, уни прогнозлаш ва перспектив планлаштириш системасини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Адабиёт ва Санъат

САРКАРДА ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Машҳур саркарда уй-музейида ўтказилган «М. В. Фрунзе санъатда» мавзуидаги кеча қирғиз драматурги М. Тойбоевнинг «Биринчи жанг» спектаклидан саҳна кўрсатиш билан бошланди. Кеча Михаил Васильевич туғилган куннинг юз йиллигига бағишланди. Томошабинлар қирғиз рассомлари, ҳайкалтарошлари, ёзувчиларининг ажойиб юртдошларига бағишланган асарлари билан танишдилар, уларнинг яратилиши тарихини билиб олдилар.

Меҳмонлар фельдшер оиласида бўлажак саркарда туғилган уйни бориб кўрдилар. Уй бугун экспонат бўлиб қолган— унинг қамишли томи тепасида музей комплексининг қаватлари қад кўтарди. Кенг залларда В. И. Ленин содиқ сафдошининг ҳаёти ва курашини акс эттирувчи шахсий буюмлари, қуроллари, фотосуратлар, ҳужжатлар, китоблар тўпланган. Махсус бўлимлар Фрунзенинг учта рус революциясидаги иштироки тўғрисида, саркарданинг гражданлар уруши фронтларидаги фаолияти, унинг партиявий ва давлат ишлари тўғрисида ҳикоя қилади.

40

ЯНГИ РУБРИКА:

• Сўз—жангчи адибларга

Оқшомхонларнинг илтимосига кўра бугундан эътиборан биз янги рубрикамизда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари — жангчи-адиб ва шоирларнинг фронт хотиралари, шунингдек ўша йиллардаги ижодидан намуналари берib борамиз.

Ҳамид ОЛИМЖОН:

«Сиз асллар туғилдингиз шараф-шон учун...»

Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг ушбу шеъри қаҳрамон ҳамюртларимизга бағишланган. Шеър тўлалигича фронтда ўзбек тилида чоп этилган «Қизил Армия» газетасининг 1944 йил август сонларидан бирида эълон қилинган.

Қуйида биз уни қадрли оқшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Гвардиячиларга

Салом сизга Ватандошлар, мард ҳамшаҳарлар,
Қутлуғ бўлсин ҳаммангизга улуғ, фахрли ном.

Қутлуғ бўлсин алвон байроқ қўлингиздаги
Оталардан, оналардан, сизларга салом!

Сиз асллар туғилдингиз шараф-шон учун
Помир бўйлаб лочин каби учгансиз отда.
Фарғонада дарёдан зўр канал қазгансиз
Зарафшоннинг олтини бор сизнинг қанотда.

Букун жангда қиламиз ёв маккорни яксон,
Найзамиздан учар экан душманлар бошн.

Минг ваҳшийни тўғрар экан ҳар қиличингиз,
Шод бўламиз, яқин келур енгув қуёшн.

Баҳодирлар яшасин деб қувонади эл,
Қиз-келинлар, ботиримиз соғ бўлсин дейди;
Саҳар турib тилак тилар ота-оналар,
Кўкраклари орден тўла тоғ бўлсин дейди.

Қани шерлар, олға томон, ғалаба томон!
Душманларни даҳшат билан қувинг беаёв.
Бу дунёга келганига бўлсин пушаймон
Ўзбекистон мардларини билиб қўйсин ёв!

1944 йил.

Мирзакалон ИСМОИЛИЙ:

«Дунёда тинчлик бўлсин»

Бундан қирқ йил муқаддам — 1945 йилда машҳур «Фарғона тонг отгунча» романининг муаллифи Мирзакалон Исмоилий Буг дарёсини кечиб ўтаётган оддий жангчи эди. Олдинда эса урушнинг сўнгги беш ойи қолганди...

Муаллиф билан бугунги суҳбатимиз унинг солдатлик йиллари ҳақида.

Уруш бошланганида радиода ишлардим. Биринчи йили мени фронтга олишмади. Биз таниқли журналист Жалолхон Азизхонов билан бир неча марта ҳарбий комиссариатга бориб, фронтга жўнатишларини сўрасак-да, «керак бўлса чақиртирамиз» деб қуриққина жавоб беришарди.

Ҳамма тенгқурларимиз фронтда, биз жуда ўнғайсиз аҳволда қолган эдик. Шундай кунларнинг бирида — бу энди 1942 йил— бизни йўқлаб қолишди.

Бизнинг эшелон составида антиқа бир вагон ҳам борлигини ўзимиздан бўлак ҳеч ким билмасди. Бу вагонда босмахона жойлашган эди. Газетамиз фронтда миллий тилда босиладиган биринчи матбуот органи бўлиб, «Қизил Армия» деб номланган эди. Жалолхон Азизхонов унинг муҳаррири, мен эса масъул секретарь этиб тайинлангандим.

Эшелонимизни Саратовда фашистларнинг олисга учадиган бомбардимончи самолётлари кутиб олди. Фронт чизиғи анча олисда бўлишига қарамай, қора қузғунлар шу ерга ҳам етиб келганди. Хайриятки, эшелонга шикаст етмади. Шундай қилиб душман билан биринчи учрашув бомбаларнинг товушидан бошланди.

Вагон-босмахонамиз ишга тушди. Ўзбек тилида биринчи 6 марта нашр қилинаётган газетани юртдошларимиз орзиқиб кутишар, унинг ҳар бир сони қўлмақўл бўлиб кетарди. Газета ўзи икки бетгина бўлиб, ҳафтада бир марта чоп этиларди. Унда гоҳо солдатларга мактублар ҳам берилар, қадрдон юртдан келган ҳар бир хабарни жангчиларимиз кўзларига суртиб ўқишарди.

— **Сиз Волга дарёси бўйидаги жанглардa қатнашиб Қизил Юлдуз ордени, «Сталинград ҳимояси учун» медалини олгансиз. Шу ҳақда гапириб бersангиз.**

— Волга дарёсининг ўша йиллардаги қиёфаси шундоқ кўз ўнгимда турибди. Қирғоқлари бомбадан илма-тешик, суви бўётана, чунки дарёнинг ҳам тинчи бузилган... Сталинград эса вайрон қилинган. Баланд иморатлар қулаб, йўлларни тўсиб қўйган.

Фашистлар бу шаҳарга жон-жаҳди билан ёпишиб олди. Мақсади аён: Сталинград олинса уёғи Москвага йўл очилади. Аммо бизнинг солдатлар мардона турib жанг қилишди. Гоҳо жанг қизғин кетаётган жойларда аҳоли —қариялар, аёллар ва болалар учраб қолар, уларнинг юз-кўзида порлаб турган ғалабага ишончни кўриб жангчиларимиз яна руҳланиб кетарди.

Бир воқеа эсимга тушди. Шаҳар кўчаларидан бирида асир тушган фашистлар ўтиб борарди. Бирдан улардан бири менга қараб аллақандай сўзни қайтараверди. Қулоқ солсам «збир, збир» дегандек. Зўрга тушундим. Асир душман бизни Сибирга жўнатишадими деб сўраётган эди. Мен тасдиқ ишорасини қилган эдим қўрқувдан унинг кўзлари олайиб кетди...

— **Вагон-босмахонадаги ягона аёл ҳақида сўзлаб бермоқчи эдингиз...**

— Ҳа. Унинг исми Зебо эди, ўзи ҳам номига муносиб кўҳликкина қиз эди. Фамилияси Шамсутдинова.

Биз бу палла Украинада жанг қилардик. Бир куни газетамизнинг янги сони чиқмай қолди. Биз мақола ёзиш учун қисмларга жўнаб кетгандик. Суриштирсак вагон-босмахонамиз бомбардимон қилиниб 18 киши халок бўпти...

Редакция топшириғи билан бир қисмга бориб келишга отландим. Қалин қор ёққан эди. Ўрмонзор четида учтўрт хонадон. Исиниб олиш учун биттасига бош суқдим. Ичкарида бир чол ўтирган экан, эшикни очишим билан ўрнидан туриб мени ҳайдашга тушди. Бу ердан тезроқ кет, ҳозир самолёт яна қайтиб келади, деди.

Куни билан уй атрофи ҳаводан ўққа тутилаётган экан. Исиниб олиб йўлга тушдим. Ўрмон четига етиб қолганимда осмонда душман самолёти кўринди. Ўзимни бир ҳандаққа отдим. Аммо учувчи кўриб қолган экан. Пулемётдан дўлдек ўқ ёғдирди. У учтўрт марта шундоқ тепамдан учиб ўтиб ўққа тутди. Бахтимга омон қолдим. Кейин ўқи тугадими, ё сабри тугадими лаънати калхат қайтиб кетди...

Польша территориясига Буг дарёсини кечиб ўтдик. Дарё саёз экан. Варшава вайронага айланган бўлса-да, аҳоли бизни гуллар билан кутиб олди. Бу пайтга келиб душман анча ҳолдан тойган, энди унинг техника жиҳатидан устунлигига ҳам барҳам берилган эди. Сафимизга таниқли журналист Мели Жўра қўшилди, янги муҳаррир тайинланди. Азизхонов жароҳати туфайли Тошкентга қайтди.

— **1945 йилнинг январи ёдингиздами?**

— Ҳа. Январи ҳам, майи ҳам ёдимда. Янги йилни вагон-босмахонада кутиб олгандим. Гарчи тўкин дастурхонимиз бўлмаса ҳам бахтиёр эдик, чунки ғалаба яқинлигини юрак сезиб турарди.

Ғалаба кунини эса Берлин яқинидаги ўрмонда кутиб олдик. Фронтда дийдаси қотиб кетган жангчиларнинг йиғлаганини кўрдим.

Солдатлик йиллари тугади. Эсон-омон юртимга қайтдим. Олдин у кўзимга тўтиё бўлиб кўринса энди, таърифига сўз йўқ бир нурафшон диёр бўлиб кўринди. Ўша йилларни эслासам ҳали-ҳануз энтикиб кетаман. Урушнинг номи ўчсин дегим келади. Дунёда тинчлик бўлсин, болаларимиз бахтли бўлишсин, яхши инсонлар бўлиб етишсин, дегим келади...

Анатолий КАРПОВ
ТАНЛАНГАН ПАРТИЯЛАР

• Китоб жавонингизга

Анатолий КАРПОВ:

«ЎЗБЕК ШАХМАТЧИЛАРИГА ОМАД ТИЛАЙМАН»

Чинакам шахмат мухлислари учун уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ўйнаган партияларни таҳлил этишдан ҳам жозибали машғулот бўлмаса керак. Агарда ана шу партиялардаги юришларни жаҳон чемпионининг ўзи шарҳлаб борса нур устига аъло нур бўлади. Республикамизнинг кўзга кўринган шахмат тарғиботчиси, тарих фанлари кандидати, СССР спорт мастери Мамажон Муҳиддинов ўзбекистонлик шахматчиларга ана шундай катта қувонч бахш этди. У Анатолий Карповнинг «Танланган партиялар» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Китоб «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

«Ушбу китобнинг ўзбек тилида нашр этилишидан ўзимнинг беҳад миннатдорчилигимни изҳор қилиш билан бирга унинг ўзбек шахматчилари истеъдодининг янада камол топишига ёрдами тегар, деб умид билдираман. Ўзбек шахматчиларига Георгий Аъзамов сингари гроссмейстерлари кўпроқ етишиб чиқишида зўр муваффақиятлар тилайман», дейилади А. Карповнинг ана шу китобга ёзган сўзбошисида. Бу республикамиз шахматчиларининг сўнгги йилларда эришган муваффақиятларига берилган юксак баҳодир.

Мазкур китоб аввал чоп этилган русча нашридан бирмунча фарқ қилади. Жумладан, аввалги нашр бевосита жаҳон экс-чемпиони Михаил Талнинг кириш мақоласи билан очилиб, унда мисол тариқасида А. Карповнинг гроссмейстерлик унвонини олгандан кейин 1978 йилга қадар ўйнаган партияларидан 55 таси таҳлил этилган эди. Ўзбекча нашрга эса муаллифнинг (А Карповнинг) розилиги билан таржимон томонидан 1978—1983 йилларга доир муҳим қўшимча материаллар киритилган.

Китобда таҳлил этилган партиялар ниҳоятда хилма-хил. Ушбу партияларда сицилианча ҳимоя бирмунча кўпроқ қўлланилган бўлишига қарамай, дебют бошламалари ҳам ранг-баранг. Аммо уларнинг ҳар бирини ўзига хос мукаммал ижод намунаси деса бўлади. Негаки, Карпов, сайланма партияларда қандай натижа қайд этилганидан қатъий назар тахтада вужудга келган вазиятни холисона баҳолайди, позиция имкониятларидан охиригача фойдаланишга ҳаракат қилади. Китобда биронта ҳам узуқ-юлуқ партия йўқ. Чунки, муаллифнинг мақсади ҳам китобхонда ҳар бир партия тўғрисида мукаммал тушунча ҳосил қилишдан иборат эди. Шахмат мухлислари унинг Л. Портиш, У. Андерссон, Я. Тимман, В. Корчной, М. Таль билан ўйнаган партиялари таҳлилини кузатиб, чинакам қизиқиш ҳосил қиладилар, «Шахмат Оскари» мукофотининг саккиз карра эгаси бўлмиш А. Карповнинг маҳоратига тасанно айтадилар..

Китобда шунингдек, Анатолий Карповнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар, 1985 йилга қадар у иштирок этган матч ва турнирлар, эришган натижаларининг рўйхати берилган.

М. Муҳиддинов мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилиб, республикамизнинг мингминглаб шахмат мухлисларига ажойиб совға қилди. Бинобарин, бу асар уларнинг китоб жавонидан муносиб ўрин эгаллайди.

А. НАБИЕВ.

● БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

УКРАИН ХАНДАЛАРИ

ЭҲТИЁТ ҚИСМ

Беш яшар болага қўшниси деди:

— Микола, ойинг билан даданг ўзларига машина сотиб олишди. Уларга айт, сенга ҳам укача сотиб олиб беришсин.

— Оберib бўпти! — деди бола қовоғини солиб. — Илгари машинага пул йиғишар эди, энди эҳтиёт қисмга пул тўплашаяпти-ку.

ВИЖДОН

Официантдан сўрадилар:

—Нима учун сиз баъзи хўрандалардан чой пули оласиз-у, баъзиларидан олмайсиз!

— Ҳисоб-китоб пайтида ҳақидан уриб қолган хўрандаларимдан чой пули олмайман, менда ҳам виждон бор, — деб жавоб берди официант.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҒАЛАБА КУНИ ОЛДИДАН

ПРАГА. Ғалаба куни яқинлашган сари ана шу байрам шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган коллективлар ўз зиммаларига янги-янги мажбуриятлар қабул қилиб, меҳнат муваффақиятларига эришаётганликлари тўғрисида тобора кўплаб хабарлар келиб турибди.

ЧССР меҳнаткашлари совет халқи билан биргаликда Буюк Ғалаба байрамини кенг нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу байрам Чехословакия Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 40 йиллиги санасига тўғри келади. «Руде Право» газетаси интернационал социалистик мусобақа ташаббускорлари тўғрисидаги материалларни кун сайин эълон қилиб турибди. Улар орасида «ЧКД-Соколово» заводининг илғор коллективлари, Млада — Болеславдаги автозавод, Литвиновдаги Чехословакия—Совет дўстлиги номли химия комбинати, ПРАГА метросозлари ва бошқа кўплаб корхоналар бор. Дўстлар қўлга киритаётган муваффақиятлардан ўртоқларча манфаатдорлик, шу ютуққа ўз хиссасини қўшишга интилиш —Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган мусобақага хос хусуситдир. Бу эса Улуғ Октябрь ва бошқа муҳим юбилейлари шарафига ўтказилган интернационал мусобақа чоғида вужудга келган яхши анъанани давом эттиради, деб ҳикоя қилади Чехословакия—Совет дўстлиги союзининг бош секретари М. Бохенек.

Фашизмга қарши уруш йилларида совет халқи кўрсатган жасорат шарафига бошланган мусобақа тобора авж олдирилиб, ЧССРдаги барча янги-янги коллективларга ёйилмоқда, социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги аллақачоноқ давлат органларининг ишигина бўлиб қолмай, балки миллионлаб кишиларнинг кундалик ҳаётига кириб борганлигини яққол намойиш қилмоқда. Интернационал Меҳнат мусобақаси ва ўзаро ёрдам социалистик тараққиётини таъминлашда қардош давлатларнинг имкониятини оширади. Айни вақтда, деди М. Бохенек, халқаро меҳнат вахтаси — Чехословакия ва совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳаётийлиги, бунёдкорлик кучининг ёркин далилларидан биридир.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

● СОФИЯ. Г. Димитров номли Варна кемасозлик комбинатининг коллективи хом ашё, материал, ёқилғи ва энергияни тежаш учун муваффақиятли кураш олиб бормоқда. Бунда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жадал жорий этиш асос қилиб олинган. Масалан, кемаларнинг айрим секцияларини йиғишнинг принципиал жиҳатдан янги технологиясини ўзлаштириш корхонанинг ҳар йили 450 минг лев маблағни иқтисод қилишга имкон берди. Кемасозлар пўлат тунукаларни автоматлаштирилган тарзда бичиш усулини жорий этиш, шунингдек, кемалар конструкциясини яхшилаш йўли билан кўп миқдорда металлни тежаб қолдилар.

● УЛАН-БАТОР. Дархан шаҳрининг ишчилари «Товар маҳсулотига биринчи даражали сифат категорияси берилиши учун» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Монголиянинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи индустриал марказига қарашли корхоналар ва хўжалик ташкилотлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш туфайли 7,6 миллион тугрик фойда олдилар.

Илғор бригадалар тажрибасини кенг ёйиш қисобига ҳам иқтисодий самара олишга эришилди. Ҳозирги вақтда Дархан ишчиларининг учдан бир қисми ана шундай бригадаларда меҳнат қилмоқда. Илғор технологияни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишни, хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишни кўзда тутувчи сифатни бошқариш системаси ҳам тобора кенг қўлланилмоқда.

● ЛОНДОН. Қучли портлаш натижасида Лондоннинг жанубий қисмидаги уч қаватли турар жой вайрон бўлди. 14 киши вайрона остида қолди, уларни ҳалок бўлган, деб тахмин қилишмоқда. Полициянинг фикрича, портлаш газ чиқиши натижасида юз берган.

● ТОКИО. Мияги префектурасининг Сендай шаҳрида тинчлик тарафдорларининг бўлиб ўтган йиғилиши қатнашчилари Япониядаги барча тараққийпарвар ташкилотларга мурожаат қилиб, уларни ядро қуролини батамом тақиқлаш тўғрисидаги талабномага имзо тўплаш оммавий кампаниясини кенг авж олдиришга даъват этдилар. Йиғилиш Умумяпония атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш маҳаллий бўлимининг ташаббуси билан ташкил этилди. Йиғилиш иштирокчилари префектуранинг ҳар бир аҳоли пунктида махсус комитетлар ташкил этиш ва ярим йил ичида икки миллиондан ортиқ имзо тўплашга қарор қилдилар.

● ДАККА. «Шонгбад» газетасининг хабар беришича, Бангладешнинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи Читтагонг шаҳрида Қўшма Штатлар ҳарбий кемаларининг мамлакат портларига киришига қарши оммавий норозилик митинги ва намойиши бўлиб ўтди. Ҳозирги вақтда Американинг «Тускалуза» десант кемаси мамлакатга визит билан келган.

Бангладеш халқ уюшмаси Читтагонг бўлими ва бошқа сиёсий партияларнинг вакиллари «Тускалуза» кемасининг мамлакатга келишига қарши норозилик баёноти эълон қилдилар.

(ТАСС).

ЧИЛИ ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

БУЭНОС—АЙ Р Е С. Коммунистларни, социалистлар ва Чилининг бошқа сўл доираларини бирлаштирган халқ демократик ҳаракати (ХДХ) Чили халқига мурожаат этиб, манфур Пиночет диктатурасига қарши курашни кучайтиришга даъват қилди.

Яширин шароитда иш олиб бораётган ХДХ бош секретари Хосе Санфуэнтес айтганидек бу йил Чилида демократияни қўлга киритиш учун ҳал қилувчи йил бўлиб қолиши мумкин, аммо бунинг учун фашист режими барча мухолифларининг куч-ғайратларини жипслаштириш зарур. Текст Чилида яширинча тарқатилаётган ва мамлакатдан ташқарида маълум бўлиб қолган баёнотда бугунги кунда Чили ўлкан қамоқ лагерига айланганлиги алоҳида таъкидланди. Режим матбуотга ниҳоятда қаттиқ цензура ўрнатди. Митинг ва йиғилишларни ўтказишни тақиқламоқда, террор ва зўравонликни — шундай методларини ишга солмоқдаки, буларсиз шу режим бир кун ҳам ҳокимият тепасида қола олмас эди.

Чилидаги Пиночет режими — АҚШ империализми юзага келтирган режимдир, деб таъкидлади Х. Санфуэнтес. Америка империализми бутун ўтган йиллар мобайнида режимни кенг кўламда қўллаб-қўлтиқлаб келмоқда, халқ кураши кўламидан чўчиб қолган Америка империализми бугунги кунда ҳам халққа зид диктатура ағдариб ташланишига йўл қўймаслик учун зўр бериб уринмоқда.

Аммо Чили халқи, деди ХДХ раҳбари, чинакам озодлик ва демократия учун, Пиночет диктатурасини ағдариб ташлаш учун кураш олиб боришга азму қарор берган. Шу йилнинг апрель ойида меҳнаткашларнинг кенг табақалари иштирок этадиган кўп кунлик умуммиллий забастовка ўтказиш тўғрисидаги даъват мамлакатда ғоят қўллаб-қувватланди, деди у.

«БИРИНЧИ ҲИНД КОСМОНАВТИ» КИТОБИ ЧИҚДИ

ДЕҲЛИ. Бу ерда «Питамбар Паблишин Компани» нашриёти болалар ва ўсмирлар учун босиб чиқарган китоб «Биринчи ҳинд космонавти» деб аталган. Китоб автори—болаларнинг машҳур «Нандан» журнали бош редактори, таниқли ҳинд ёзувчиси Жай Пракаш Бхарти Юрий Малишев, Геннадий Стрекалов ва Ракеш Шармадан иборат қўшма Совет — Ҳиндистон космик экипажи қандай тайёрланганлиги ва унинг тарихий парвози тўғрисида, СССР билан Ҳиндистон космосни тинч мақсадларда тадқиқ этишда самарали ҳамкорлик қилаётганликлари ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Китобнинг айрим боблари космик трассаларнинг кашшофлари — Юрий Гагарин билан Валентина Терешковага бағишланган.

Китоб босиб чиқарилиши муносабати билан Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди нашриётига ёзган мактуб китобга киритилган. Инсон ҳамиша космосга парвоз этишни орзу қилиб келган ҳар эди, дейилади мактубда. Бугунги кунда илм-фан бизнинг орзу-умидларимизни рўёбга чиқармоқда. Ракеш Шарма биринчи ҳинд космонавти бўлиб қолди. Мамлакат у билан фахрлана олади. Унинг парвози Ҳиндистон —Совет дўстлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди.

Ҳиндистон вице президенти Р. Венкатараман китоб босилиб чиқишига бағишлаб ўтказилган тантаналн маросимда сўзга чиқиб, биргаликда учишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш чоғида иккала мамлакат халқларини бирлаштириб турган дўстона туйғуларнинг саммийлиги ёркин намоён бўлганлигини қайд этди. Ҳамма босқичларда совет мутахассислари ва космонавтлари ҳиндистонлик ҳамкасбларига ҳар томонлама ёрдам бериб, улар олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун барча зарур ишларни қилдилар. Космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш режалари тузилаётган ҳозирги пайтда, деб таъкидлади Р. Венкатараман, бу китоб ёш авлодни ҳамиша космосни бунёдорлик майдони деб билишга даъват этади.

ОБЪЕКТИВДА—БРАЗИЛИА

БРАЗИЛИА. Мамлакат пойтахтини бразилиаликлар ушалмаган орзулар шаҳри дейишади. Л. Косто ва О. Нимейеро сингари бразилиалик таниқли архитекторлар томонидан яратилган шаҳарда кенг меҳнаткашлар оммаси учун қулайликлар яратилмаган. Осмонўпар турар жой биноларида камбағаллар яшай олишмайди. Шу боисдан ҳам шаҳар атрофида оддий аҳоли яшайдиган посёлкалар қад кўтармоқда. Шу билан бирга, шаҳар марказида яшаш учун етарли шароит яратилмаган.

СУРАТДА: бугунги Бразилиа.

⊙ МАКТАБ ИСЛОҲОТИ АМАЛДА

ЎҚУВ-ТАРБИЯ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мактаб ислоҳоти талаблари асосида ўқувчиларни меҳнат таълими ва касб танлашида ўқув-тарбия жараёнлари дарсдан-дарсга, чоракдан-чоракка такомиллашиб бормоқда.

Шаҳар умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг умумий таълим ва касб йўналишидаги мактабларда ислоҳот проблемаларига бағишланган семинарида мактабларнинг педагогика коллективлари ислоҳотни турмушга тадбиқ этиш, ўқув-тарбия ишларига изчиллик билан амал қилиш, мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўқувчилар ўртасида ишлаб чиқариш, ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил этиш ва бундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гап борди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги мактаблар бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Абрукин, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти умумий педагогика кафедраси доценти С. Мадёрова, 147-мактаб илмий бўлим мудири О. Калантаров ва бошқалар семинарда докладлар қилдилар.

Семинар программасига биноан мактаб директорлари 101-ўрта мактабда синфдан ташқари ўқувчилар билан суҳбат ўтказиш тажрибасини ўргандилар.

Семинар ишида Ўзбекистон ССР Маориф министри О. С. Аббосова қатнашди.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

БУГУН

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИНОТЕАТРЛАР ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИНИНГ ЭКРАНЛАРИГА

«ТОРМОЗЛАР ИШДАН ЧИҚҚАНДА»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ

Сценарий муаллифи ва режиссёр — —Г. Цилинский.

РОЛЛАРДА: П. ЛИЕПИНЬШ, А. СИЛАВС, В. ОЗОЛИНЯ, ЯКОВЛЕВ, М. ВИЛСОНС, Э. ПАВУЛС ва бошқалар қатнашадилар.

Уткир сюжетли бу фильм жиноятчилар томонидан оғир жиноятга жалб қилинган йигит ҳақида ҳикоя қилади.

«РИГА» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ
ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ ҲАЙДОВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН,

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 5—6 ой.
Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.
Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади. Улар шаҳар электр транспортидан бепул фойдаланадилар.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ЎҚУВ КОМБИНАТИ— Тошкент шаҳри, «Новий путь» кўчаси, 180-«а» уй (1, 2, 10-трамвайлар; 25, 40, 61, 161-автобуслар билан борилади);

1—ТРАМВАЙ ДЕПОСИ —Тошкент шаҳри, Гайдар кўчаси, 68-уй (1-трамвай ва 61, 161-автобуслар билан борилади);

2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй (7, 8, 11-трамвайлар ва 1, 8, 18-троллейбуслар билан борилади);

1—ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ —Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй (1, 5, 13, 28-трамвайлар; 1, 3, 8, 13, 16-троллейбуслар ва 2, 3, 25-автобуслар билан борилади);

2—ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ— Тошкент шаҳри, Пионер кўчаси, 4-уй (4, 9-трамвайлар; 2, 6, 11, 13, 16-троллейбуслар билан борилади).

ДОИМИЙ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Курсларда картограф-гравюрлар, чизмачилар, ҳисобчилар, фотограмм-метристлар, юксак аниқлиққа эга бўлган асбоблар ремонти бўйича слесарлар тайёрланади.

Курсларга 8— 10 синф ҳажмида маълумотли 15 дан 30 ёшгача бўлган тошкентлик йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 10 ой, ҳар ойда 63 сўмдан стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Курсларга қабул қилинганларга шу соҳа бўйича олий ўқув юртига ва топография техникумининг сиртқи бўлимига кириш имконияти яратиб берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар йил охригача ҳар кунн қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Орипов кўчаси, 8-уй, кадрлар бўлими (9, 24, 51, 60, 72, 89 автобуслар, 2, 3, 16, 25, 22, 23, 28, 29-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри» бекати).

КОМИССИОН МАГАЗИНЛАР ЧОРЛАЙДИ

ҲАР БИР ОИЛАДА ҲЕЧ КИМ КИЙМАЙДИГАН ВА БОШҚА КИШИЛАР УНДАН
АНЧА БАҲРАМАНД БЎЛИШЛАРИ МУМКИН БЎЛГАН ПОЙАФЗАЛЛАР, КИЙИМ-КЕЧАКЛАР, ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ БОР.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ ХИЗМАТИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГИЗ!

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

5, 21 —Госпиталь бозори;
7, 8, 24, 26— Октябрь бозори;
22 —Фарҳод ярмаркаси;
1, 2, 12, 14— Навоий кўчаси;
4, 9, 10, 32—Олой бозори;
11— Қўйлиқ бозори;
16—4-уй-жой шаҳарчаси;
20 — Биринчи Май бозори;
30—Фрунзе бозори;
37— Бешёғоч бозори;
6— Чилонзор массиви, 5-квартал, 1-уй.

АГАРДА СИЗ МЕБЕЛЬ, РАДИО ЭЛЕКТР МОЛЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК МАДАНИЙ-МАИШИЙ БУЮМЛАРНИ СОТИШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ, ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИНГИЗ:

14—Навоий кўчаси («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида). Телефон 33-27-26;
36—Фарҳод ярмаркаси. Телефон 76-60-85;
6—Чилонзор массиви, 5-квартал, 1-уй. Телефон 77-35-30;
42—«Сергели» савдо маркази.

СИЗ «ТАШКОМИССИОНТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРИДАН ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ПАЛЬТОЛАРИНИ АРЗОН БАҲОЛАРДА,

ШУНИНГДЕК БАҲОСИ 40 ПРОЦЕНТГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН ЖУН ГАЗЛАМАЛАР ЛАХТАКЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ШАҲАР БОЗОРЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН МАГАЗИНЛАР СОАТ 9 ДАН 18.00 ГАЧА (дам олиш кунисиз) **ИШЛАЙДИ.**

ШАҲАР ЯРМАРКАЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН МАГАЗИНЛАР СОАТ 10 ДАН 19.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

«ТАШКОМИССИОНТОРГ» (телефон 54-56-15).

ЧАРОҒОН УЙЛАР

СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗДА РАНГ-БАРАНГ ЧИРОҚЛАР БЎЛСА ДАРЧАЛАРИНГИЗ ҲАМИША ЧАРОҒОН ВА НУРАФШОН БЎЛИБ КЎРИНАДИ.

ЧУНКИ ХОНАДОНИНГИЗДАГИ РАНГ-БАРАНГ ЁРИТГИЧ АСБОБЛАРИ СИЗГА ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТАДИ:

агарда сиз китоб мутоала қилаётганингизда ёки тўр тўқиётганингизда торшер керак бўлади;

столда ишлаётганингизда стол лампаси, китоб ўқилаётганда эса бра лозимдир;

болалар хонасида эса кичкина чироқ ёниб туради.

Биз дўстлар билан дастурхон атрофида жамул-жам бўлганимизда гўзал қандилни ёқиб қўямиз.

ТОШКЕНТНИНГ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ

ҚУЙИДАГИ РАНГ-БАРАНГ ВА ЖОЗИБАЛИ ЧИРОҚЛАРНИ СИЗНИНГ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

3 ва 5 лампали қандиллар —биллур осма чироқлар, нақш туширилган чинни чироқлар;



абажури газламали торшерлар;

металли ва биллурли стол лампалари;

рангли пластмасса ва ойнадан ишланган бра ва чироқлар.

тунги пайтда ишлатиладиган «Колобок» ва «Лушань» совғабоп чироқлар.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА»

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«УзСПОРТТОРГ»нинг

1-«ДИНАМО» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАГАЗИНИДА

(У. Юсупов кўчаси, 2-уй).

29-31 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ МОЛЛАРИ КОМБИНАТИДА ТАЙЁРЛАНГАН

СПОРТ-ТУРИСТИК ТОВАРЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИДА ҚУЙИДАГИ ТОВАРЛАР СОТУВГА ҚУЙИЛАДИ:

ФУТБОЛ ВА ВОЛЕЙБОЛ ТУПЛАРИ

Бу буюмлар «корлея» (Япония) деб аталган синтетик чармдан тайёрланмоқда. Тўпларнинг сирти ёрқин ва чиройли рангдаги чармдан ишланган. Футбол тўпи икки хил (оқ ва қора) тусдаги чармдан тайёрланган;

ТУРИСТЛАР РЮКЗАГИ

Бу буюм ўзига хос тусдаги материалдан ишланган бўлиб, унинг олд томонида усти қопқоқли иккита ҳамён қўшиб тикилган. Барча ҳамён ва қопқоқларнинг тугмачалари бор. Рюкзак шнур билан осиб юрилади. Рюкзак машинада тикиб тайёрланган. Бунинг учун матога махсус модда шимдирилган капрон газламаси ишлатилган.





84-85 МОДЕЛЛИ ЁШЛАР СПОРТ СУМКАСИ

«Бочкача» шаклида ишланган бўлиб «молния» занжирлидир.

Бу моделни тайёрлаш учун янги материал сунъий чарм билан аралаштирилган силлиқ лак қўлланилмоқда. Сумканинг астари учун ювиладиган ПВХ пленка ишлатилган. Бу модель қулай ва сиғимдордир;

444-84 МОДЕЛЛИ СПОРТ СУМКАСИ ЁШЛАРГА АТАЛГАН БЎЛИБ У ҲАМ «БОЧКАЧА» ШАКЛИДА ИШЛАНГАН.

Сумканинг сирти учун жигарранг тусдаги велюр материалидан фойдаланилган. Баҳоси — 7 сўм 55 тийин;

ЁШЛАР СПОРТ СУМКАСИ

Бу буюм «башмачка» шаклида ишланган. Бу моделни тайёрлаш учун оч қизғиш ва жигарранг тусдаги капровинилис чарм ишлатилмоқда. Баҳоси — 10 сўм. Астарсиз;

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —29/I да **Масхарабозлар**, 30/Iда **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/I да **Олтин девор**, 30/I да **Отелло.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 28/I да **Ватан ишқи** (билетлар сотилган), 30/I да **Лайли ва Мажнун** (билетлар сотилган).

РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА —30, 31/I да **Ойни ким ўғирлади?** (13, 15.00).

кино

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

28 ЯНВАРДА

«САРИҚ ГУЛ», «САРИҚ ГУЛ»НИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ»—**Санъат саройи** (17, 19.30, телефон 44-21-44), **Москва** (17, 20.00, Телефон 33-05-01), **Восток** (18.30 21.00, телефон 91-13-74).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА»— **Чайка** (18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ТОРМОЗЛАР ИШДАН ЧИҚҚАНДА» — **Ватан** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (18. 20.00).

«ХОНАНДА КЕРАК» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74)

«ДАЛА ҚУРИҚЧИСИ» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-14-59)

29 ЯНВАРДА

«САРИҚ ГУЛ», «САРИҚ ГУЛ»НИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ»—**Санъат саройи** (11, 14, 17, 19.30, телефон 44-21-44), **Москва** (11, 14, 17, 20.00, телефон 33-05-01), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 91-13-74).

«ДИНОЗАВР ҲАҚИДА АФСОНА— **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 77-06-20).

«ТОРМОЗЛАР ИШДАН ЧИҚҚАНДА» — **Ватан** (тоқ соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25), **Восток** (10.20, 12, 14, 16, 18, 20.00).

«ХОНАНДА КЕРАК» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«ДАЛА ҚУРИҚЧИСИ» — **Искра** (11, 14, 17, 20.00, телефон 39-14-59)

УЗБЕККОНЦЕРТ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7, 8, 9, 10 февраль
соат 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ ВА ТУРКМАНИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ
Бобомурод ҲАМДАМОВ

РАҲБАРЛИГИДА

«ХОРАЗМ» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

математика ҳамда амалий математика ва механика факультетлари қошида

8-10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

ЯКШАНБАЛИК МАТЕМАТИКА ТЎГАРАГИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ.

Машғулотлар якшанба кунлари соат 10.00 дан бошлаб университетнинг бош ўқув корпусида олиб борилади.

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ 3 ФЕВРАЛДА Г-303 АУДИТОРИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТЎГАРАККА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТВ

душанба

28 ЯНВАРЬ

● МТ I

17.45 Конькида югуриш спорти бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Швециядан олиб кўрсатилади.
18.15 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
18.45 «Ишчилар ва одамлар». Сиктивкар ўрмон-саноат комплексида ўрмондан рационал фойдаланиш иш тажрибасидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Совет Армияси. Жангларда биродарлашганлар». Ҳужжатли фильм.
19.55 П. И. Чайковскийнинг «Мафтункор» операси.
21.30 «Время».
22.00 «Мафтункор» операсининг давоми.
23.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Узоқ ерли ўқитувчи». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Социалистик экономикани бошқариш».
20.00 Чана спорти бўйича жаҳон чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Қарағайлар нега кўз ёш тўкди». Телевизион бадиий фильм.
23.20 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёдимизда ва қалбимизда ҳамиша» (рус.).
18.55 «Ёзувчи ва замон».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Эскиздан экран ва саҳнага». Кино уйидаги кўргазма (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Опера театри солистлари». ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Муҳитдинов, Н. Семизвонкина.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 А. П. Чехов туғилган кунинг 125 йиллигига. «Овдаги воқеа». А. П. Чеховнинг шу номли асари асосида бадиий фильм. (рус.).
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Қизиқувчилар экрани».
18.50 Чегара — менинг қисматим». Телефильм.
19.20 «Ижод саҳифалари». А. П. Чехов. Ёзувчи туғилган кунинг 125 йиллигига.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).
20.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

сешанба

29 ЯНВАРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.05 П. И. Чайковскийнинг «Мафтункор» операси.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Синов йилларида». Ҳужжатли фильм.
16.00 Арманистонда хизмат кўрсатган коллектив — Комитас номли Давлат квартетининг чиқиши.
16.35 «Озодликнинг қадр-қиймати». Ҳужжатли фильм премьераси. Совет Литваси немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллигига.
17.20 «Қувноқ нотачалар».
17.35 Россияда 1905—1907 йилларидаги революциянинг 80 йиллигига. В. И. Ленин. «Партия ташкилоти ва партиявий адабиёти» «Сенинг ленинча кутубхонанг» туркумидан.
18.05 «Фан ва турмуш».
18.35 Мультфильм.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сайловлар олдидан».
19.45 Спорт кўрсатуви.
20.45 А. П. Чехов. «Қишлоқ врачи ҳаётидан». Телеспектакль премьераси. Ёзувчи туғилган кунинг 125 йиллигига бағишланади.
21.30 «Время».
22.05 «Оқшом тароналари».
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) —«Спартак». 2- ва 3-даврлар. Танаффус пайтида (23.05) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 —9.35 «Саҳро палитраси». Телефильм.
10.30 —10.40 «Витим қирғоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 —12.40 «Шахмат мактаби».
13.10 Ю. Олеша ижоди.
13.55 —14.25 Совет тасвирий санъати. А. Пластов ижоди.
14.55 «Драматургия ва театр». А. С. Пушкин театри. 1- ва 2-кўрсатув.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Музикали киоск».
21.20 «Окадаги Пушчино». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қари чумчуқлар». Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Дала бунёдга келди». Телефильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Пионерлар мамлакатида» (рус.).
19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Тежамкорлик коммунистларга хос фазилат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Амалдаги интернационализм». «Ўзбекистон — Ноқоратупроққа» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм. 1-серия.
23.45 Янгиликлар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

28 ЯНВАРЬ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—13555. Индекс 64690. А-2034. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.